

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ҲАҚИДА: ОТА-ОНАЛАР БИЛАН ПЕДАГОГИК СУҲБАТ



*Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,
Қори Ниёзий номидаги Тарбия
педагогикаси миллий институти бош илмий
ходими, педагогика фанлари доктори, профессор*

Антропологларнинг гувоҳлик беришларича, одамнинг ташқи кўриниши, туси, сиёғи кейинги 40000 йилдан буён(сўнгги палеолит-кроманьонлар давридан бери) ўзгармай келмоқда. Одамнинг биологик эволюцияси тугади. Лекин унинг маънавий эволюцияси чексиз. Энди тарбия инсонни камолотнинг янги марраларига кўтариб, ўзгартира боради. Зеро педагогик нуқтаи-назардан ҳар бир инсон – ўз ҳаёти давомида олган тарбиянинг маҳсулидир. Демак, тарбия фарзандимизнинг, оиламизнинг, Ўзбекистонимизнинг, инсониятнинг келажагини ҳал қилувчи омилдир.

Дунёда рўй берган, бераётган ҳар бир нотинчлик, низо, бахтсиз

воқеа, бузилган оила, синган тақдир тарихи “лента”сини орқага қайтарсак, тарбияга бориб тўхтайди. “Олдин пул, кейин маънавият” йўлини тутиш бўлиб чиқади. Уларнинг бу хатоси дунёда “бой берилган авлод” – “Lost generation” иборасини пайдо қилди.

Европада бутун бошли оилалар моддий бойликни қувиб кетишди. Уйдаги фарзандлари тарбиясини эса бегоналарга бериб қўйишди. Тарбиядан(!) вақтларини тежадилар. 10 пуллик фойда топдилар ҳам. Бугун эса... жонсарак бўлиб, болаларини қайта тарбиялашга 1000 пул сарфлашмоқда. Лекин самара 10 пуллик бўлаётир. Чунки вақт бой берилган. Мана

сизга “олдин моддий ҳаёт, кейин маънавият”нинг аянчли моддий, маънавий оқибати. Бу - “Бой берилган авлод” муаммосининг педагогик диагнози.

Миллий тарихимизга қарасак, ҳукмдорларимиз ўз фарзандлари тарбиясини оталиқларга, устоз-мураббийларга, замонасининг пешқадам, содиқ инсонларига ишониб, юклашганини кўрамиз. Темурийлар авлодлар тарбиясида ҳам ана шу фазилатларга устуворлик берилиб, бола характерида қатъиятсизлик, тадбирсизлик, лоқайдлик, номардлик ва журъатсизлик каби иллатларнинг пайдо бўлишининг олди олиб борилган.

XIX аср ўрталарида халқимиз ҳаёти, феъл-атворини ўрганган можор олими Г.Вамбери ўзбекларнинг миллий тарбияси натижаси ўлароқ, феъл-атвори билан бир хиллигини қайд этади. XIX аср ўзбекларини кўрган олим бобо-момларимиз ҳақида шундай дейди: “Олтин ўрдада “ўзбек” деган ном анча олдиндан маълум бўлиб, улар “шафқатсиз одатлардан бош тортишиб, Осиё маданиятига йўл очишган: ўтроқ ва ярим ўтроқ, асл деҳқон; ҳарбий миллат; савдода

оғир вазмин; саноатда мўътадил; очик кўнгил, мард; жиддий, ҳақиқий туркий ҳимматга эга; маъюсликгача кам гап, оғир вазмин; совуққонлик одоб-ахлоқ намунаси ҳисобланади; бир гапни ўйлаб оғзидан чиқаргунча бир қанча дақиқалар ўтади; ўзбек ўйлаброқ гапиришга мойил, у буни табиий деб билади; садоқатли ва довюрак бўлиб, тўғри гапирадиган, тўғри ҳаракат қиладиган, кўзга тик қарайдиган эркакни мукамаллик намунаси деб билади. Давлат ҳимоясини ўз зиммасига олган, ўзбекларнинг оиллавий муносабатларини асл намуна ҳисобласа бўлади – кўп хотинлик фақат ҳукмдорларга хос; ўрта ёшга бориб қолган фарзандлар ўз ота-оналарига жуда эҳтиромли. Ўзи 30-40 ёшларга бориб қолган ўғил отасининг бир қарашидаёқ чўчиб кетади ва ҳеч қачон отаси бор пайтда чилим чекмайди, биринчи ўтирмайди, биринчи гапирмайди; туркий шевада гапирадилар; ўзбеклар болаларидан қунт талаб қилишади; муғомбирлик камдан-кам учрайди; ўзбеклар яхши мусулмондирлар – шу жиҳатдан анатолиялик туркларга



ўхшайдилар; ашула ва мусиқани жон дилидан севишади ва ҳ.к.

Миллий тарбия тизимининг ўткир воситаларидан бири – ҳар бир кишининг ўз аجدодлари тарихини билиши лозимлиги ва шунга илк ёшларданоқ болаларнинг ўргатила бориши эди. “Турк ва тожикда барча одам фарзанди ичинда расм турар, етти отани санад қилмоқ. Турк халқи айтур, етти орқадан бери темурчиман ва ё айтурки, менинг етти отам шу юртда ўтгандур” – деб ёзади “Шажараи турк” муаллифи Боҳодирхон Абдулғозихон. Хоразм тахтининг 1644-1664 йиллар соҳиби бўлган Абулғозихон ўзидан бошлаб то Одам Сафиуллоҳгача “отасини отаси фалонча”, -дея номма-ном баён қилади. Бу мисолдан илгари аجدодларимиз етти ота наслини батафсил айтиб

бера олганликлари аён бўлади. Аждодлар ёди ўзбекка ўзлигини англатиб, аждодлар номига доғ туширувчи ҳатти-ҳаракатлардан сақлаб, мардлик, яхшилик олийжанобликка чорлаб турган.

Бугун миллат, ватан ҳимояси болаларимиздан огоҳлик,

курашчанликни кутмоқда. Демак, мактаб парталарида ўтирган ҳар бир ўзбекистонлик ўғил-қиз бу курашчанликни намоён қилишга тайёр бўлмоғи керак. Бунга бизни маънавий-ахлоқий тарбия махсус ўргатмоғи лозим. Мисол: ёшларимиз ўзларига “Мен сенга бир яхши нарсани ўргатаман” деган кишининг асл ниятини биринчи мулоқотдаёқ билиб, уни таниб, унга нима дейиш, нима қилишнинг яхши машқидан ўтишлари керак. Яъни “Мафкураси мустаҳкам Ўзбекистон боласи” сифатидаги ўзининг миллий вазифасини аъло бажариши, душманнинг ниятларини пучга чиқариши керак. Ана шунда душманумидсиз, ниятсиз, дастурсиз қолади. Уйидан чиқмайди. Бизга таҳдид солмайди. Бошқа, мафкураси

заиф, бирлашмаган халқларни, мамлакатларни излаб кетади.

Ҳар ўғил-қизимиз – миллат фарзанди. Ҳозир чет элларда меҳнат қилаётган, ўқиётган йигит-қизларимиз ўзлари билиб-билмай, Ўзбекистонни, ўзбек халқини тақдирот қиладилар. Ершарининг қайси нуқтасида бўлмасин, болаларимиз халқимизнинг гўзал фазилатларини ўзларида намоён қила олишлари керак. Афсуски, ижтимоий тармоқларда айрим ёшларимизнинг миллатимиз шаънига доғ туширадиган хулқларни намоён қилаётганлигини ҳам кўраяпмиз. Шунинг учун миллий тарбия гоёси, зарурати қайта тикланди. Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Қори-Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий институти”га асос солинишининг ҳикматларидан бири шунда кўринади. Шунинг учун педагогика фанимиз “Ўқувчининг миллий роли”, “Миллий хулқ” тушунчаларини чуқур ўрганиши керак. Бунда социологиянинг “Ижтимоий роллар назарияси” педагогикага катта ёрдам беради. Чунки бу назариянинг кўпқирралиги миллий-замонавий

ҳаёт жабҳаларини, миллий тарбия йўналишларини илғаб олиш имконини беради.

Миллий тарбия тизимини "миллий рол" тушунчаси орқали ўрганиш ҳар бир ўзбек ўғил-қизининг илк ёшларидан "яхши бола", "яхши ака, ука, сингил, опа" яхши жиян, тоға, бўла..."; "яхши меҳмон, мезбон"; “яхши қўшни”, "яхши дўст", "одобли бола" каби "унвонли" муносабатга тайёрлаш механизмининг очиб беради. Кенг маънода эса ўқувчининг миллий ролини ўзлаштиришга ўз ичига миллий фазилатларни, миллий ахлоқ меъёрларини сингдириш, миллий-ижтимоий ҳаётга тайёргарлик жараёнларини ҳам англатади.

Биз ош қилишни, балиқ тутишни, машина ҳайдашни, пул топишни, компьютерда ишлашни яхши билармиз. Тарбияни-чи? Афсуски, ёшларимиз турмуш қуришга аҳду паймон қилиб, келин-куёв, эр-хотин вазифаларини озми-кўпми билишади. Лекин улар ота-оналикни билмай бошлашади. Мана шу ерда педагогик компетенциялар етишмаслиги бизга панд берапти. Ваҳоланки, болани

боқиш осон, тарбиялаш қийин. Боламизни биз тарбияламасак, бошқалар, кўча тарбиялайди. Ким тарбияласа, бола ўшаники. Туғдирган, туққан, боққан эмас, тарбиялаган оқибат кўради. Бола тарбия режасини тузиб, уйқуни бузиб кузатганга, тузатганга, қараганга, тараганга, кўрсатганга, ўргатганга, машқ қилдирганга, чиниқтирганга, оқибатни ўргатганга оқибат кўрсатади.

Кўнглингиздан: “Фалончи ака боласини тарбиялашга алоҳида шуғулланмаган. Лекин болалари жуда яхши чиқишди ку. Болани ҳаётнинг ўзи тарбиялайди”, деган ўй ўтгандир. Тўғри. Ҳаёт тарбиялайди. Лекин, бу кафолатга эмас, таваккалга таяниш.

“Ҳаёт тарбияси” нима? Бу – ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда кўчанинг, сиз танийдиган, танимайдиган одамларнинг болангизга берадиган хулқ намуналари. Уларнинг ҳам ўз болалари бор. Улар сизнинг болангизга ўз фарзандидек қарашига, жон куйдиришига ишонасизми? “Ҳа”, дегувчиларга савол: “Сиз ўзингиз қачон, қаерда бировнинг боласини нотўғри иш

қилаётганида тўхтатиб, танишиб, тўғри йўлга солиб, ота онасига бу ҳақда хабар бериб қўйгансиз?”

Иккинчидан, сиз машингиз, кредит картангизни, кафолат хатини бегона кишига ишониб бериб қўясизми? “Йўқ”. Бу матоҳлар фарзанд деган давлат олдида ҳеч нима эмас. Унда нега Оллоҳнинг сизга ато этган неъматининг тақдирини, ўзингизнинг кексайганда суянадиган суянчингиз масаласини бировларга ишонмоқчисиз? Таваккал қилмоқчисиз? Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда?

Тўғри, бола кундалик ҳаётда ижтимоийлашади. Ижтимоийлашув бу – болангиз мактабга бораётиб, дуч келадиган минглаб ўткинчи, таниш нотаниш одамлар, вазиятлар, воқеалар дегани. Болангиз эртага мактабга кетаётганда, ёки қайтаётганида кимларга, қандай яхши ёмон вазиятларга дуч келишини биласизми? Йўқ, албатта. Ҳаёт тарбиялайди, деб болангизни таваккал ихтиёрига бериб қўясизми? Йўқ. Тарбия бу – аниқ фазилатларни бола хулқида кўриш мақсадини кўзлаб,



муайян вақт давомида, ишончли, билимли одамлар томонидан амалга ошадиган аниқ натижали иш.

Махсус, атайлаб, аниқ ўлча-надиган натижага эришиш учун қилинадиган тарбия бу – суғориладиган ерда, “ҳаёт тарбияси” бу – лалми ерда деҳқончилик қилишга ўхшайди. Суғориладиган ерда деҳқончиликнинг ҳосили 90 фоизи сизга боғлиқ. Чунки ишни сиз бошқарасиз. Лалми ердаги деҳқончиликнинг ҳосилининг қандай бўлиши эса 90 фоиз об-ҳавога, 10 фоизи ота-онага боғлиқ. Сиз боласи тақдирини об-ҳавога ишониб қўядиган ота-онамисиз? “Вақтим йўқ”, деб бу ишни ота она қилмаса, уларнинг ўрнига кўча, ўткинчи одамлар, тасодиф-

воқеалар тарбиялайди. Бунинг натижаси қандай бўлиб чиқишини ҳеч ким билмайди.

XXI аср рақамли оммавий ахборот воситалари жамиятимизга беқиёс таъсир кўрсатмоқда. Глобал ахборот асри деб юритила бошланди.

Медиа – лотинча media, medium – восита, ўртада турувчи, ахборот ташувчи, муҳит маъносини англатади. У анъанавий (босма, радио, овозли, кинематограф, телевидение) ҳамда замонавий (видео, мобил телефонлар, CD, DVD, компьютер, Интернет) оммавий ахборот воситаларини ўз ичига олади. Жамиятимизнинг бугунги ривожланиш даврида ушбу оммавий ахборот воситалари инсонлар

хаётида муҳим ўрин эгаллайди. Оилаларда оналарнинг энг севимли жанрларидан бири – сериаллар бўлди. Албатта, улар ичида тарбиявий жиҳатдан қимматга эгалари ҳам бор, лекин бизнинг миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга мос келмайдиган, бизнинг ўзлигимизга тамомила тескарилари кўп. Улар гўёки реалистик, ҳаётий вазиятлар асосига қурилган сюжет орқали телетомошабинларга зўравонлик, беҳаёлик ҳолатларини ҳудди бир



оддий ҳолат, маданият нормаси сифатида сингдирмоқда. Чунки ёш бола атрофидаги оламни образлар орқали англай-ди, улар асосида ўзининг шахсий дунёқараш моделини қуради. Шундай экан, журналист

олима В.Қаршибоева ибораси билан айтганда “ёқимли... ва хавфли” маҳсулотлар ёт ҳолатлари билан фарзандингиз онгини ўзгартиришига сиз тинч қараб турасизми?

Интернет бугунги кунда улкан ахборот манбаи, билим олишнинг энг самарали воситаларидан бирига айланди. Интернет тармоғи орқали ўқувчилар ўзларининг билимларини ошириши, тенгдошлари билан мулоқотга кириши

мумкин. Албатта, шакшубҳа-сиз Интернет кунлик ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Лекин ҳар қанча ютуқларини тарифламайлик, Интернетнинг ҳам ёшлар тарбиясига негатив таъсири жиҳатидан камчилик томонлари мавжудки, бунга кўз юмиб бўлмайди.

Ёшлар ўртасида Интернетнинг энг кўп тарқалган хизматларидан бири – бу чат, форум ва турли ижтимоий тармоқларда бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш. Бундай мулоқотларнинг энг хавотирли жиҳати шундан иборатки, бунда ёшлар билмасдан хавфли инсонлар

билан мулоқот ўрнатишлари мумкин. Чунки виртуал мулоқотда ҳар ким аноним ҳолатда мулоқот юритиши мумкин ва ким аслида кимлигини аниқлаб бўлмайди. Бундай ҳолатларда ўсмирлар турли радикал оқимлар ва диний секталар таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Видео ўйинларнинг зарарли оқибатлари ҳақида ОАВ орқали кўплаб маълумотлар бериб борилмоқда. Интернетомания касаллигига дуч келган ўсмир ёшлар ўзининг кўп вақтини беҳудага сарфлаш билан ўтказмоқдалар, унинг оқибатида ҳам психологик ҳам жисмоний зараретмоқда. Кўпинча ҳолатларда виртуал дунё Z ва Альфа авлодларига мансуб ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ўрнини қоплаб реал дунёдан ажратиб қўймоқда ва ундан мустақил равишда ёшларимиз чиқиб кетолмай қоляптилар. Демак, ҳар бир ота-онага медиапедагогик саводхонлик сув билан ҳаво қадар зарур. Чунки бугунги ёшларда медиа ахборотларни тўлиқ ва тўғри тушунишлари учун ахборотларни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш

керак. Оилада фарзандларимизни турли вайронкор ва ёвуз ғоялар билан сингдирилган ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилганимиз билан, улар оила ташқарисида хоҳлаймизми йўқми, турли



ахборот таъсирига учрайдилар. Бунда медиатарбия ёшларимизда бугунги ҳаётимизда ўта муҳим бўлган “ғоявий иммунитетни” шаклланишига ва ўзнинг шахсий ҳаётининг позициясининг шаклланишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, Тарбия педагогикаси миллий институти томонидан ўтказилган тадқиқотлар миллий тарбиянинг, айниқса, унинг методик жиҳатларини чуқур ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда. Жумладан, мактаб, оила ва маҳалланинг миллий тарбиявий ҳамкорлигини такомиллаштириш; замонавий ўзбек қизларида ижтимоий

фаоллик, тадбиркорлик масалалари; миллий тарбияга сифатларини шакллантириш; қиёсий-педагогик ёндашув бўлажак ўқитувчиларни ва унинг самарадорлигини миллий тарбиявий фаолиятга ошириш; мактабгача тарбия тайёрлашни такомиллаштириш; ёшидаги болаларни миллий тарбиялашнинг назарий олий ўқув юртлари талабаларини тарбиялашнинг услубий педагогик миллий ватанпарварлик руҳида асослари; миллий тарбияга тарбиялашнинг мазмун, услуб, воситаларини такомиллаштириш; маҳалла, оиланинг миллий тарбиявий имкониятларини ўзбек оилаларида миллий тарбиянинг хусусиятлари; такомиллаштириш; миллий тарбия жараёнини тадқиқот Президент мактаблари, ижод қилишда кибернетик услубларни мактаблари, “Темурбеклар жорий қилиш; мактабдан мактаблари”да миллий тарбия ташқари муассасаларда жараёнини ташкил қилишнинг миллий тарбия тизимини педагогик хусусиятлари каби ишлаб чиқиш; миллий тарбия истиқболли йўналишлар ўз услубларини такомиллаштириш; тадқиқотчиларини кутмоқда. ота-оналарнинг миллий тарбиявий билимлари, кўникма ва малакаларини тарбиянинг ҳарбий педагогик такомиллаштириш; миллий тарбиянинг ҳарбий педагогик моҳияти; ўқувчиларнинг бўш вақти ва миллий қадриятлар тарбиянинг ҳарбий педагогик тизимини социологик ўрганиш; миллий тарбия бўйича тарихий тадқиқотларни ривожлантириш; миллий тарбияни амалга оширишнинг минтақавий хусусиятлари ва уларни такомиллаштириш

KONSTITUTSIYA BURCHAGI 8 DEKABR

"KONSTITUTSIYA
ERKIN VA FAROVON
HAYOT GAROVI!"

